


Шеробод туманидаги Баркамол авлод болалар мактабида “Буюк келажакка баркамол авлод билан” шиори остида “Очиқ эшиклар куні” тадбири ўтказилди



Тадбирда барча тўғарак раҳбарлари ва иқтидорли ўқувчи ёшлар иштирок этди.

Ҳозирги кунда “Баркамол авлод” болалар мактабида 7 та “Ўунармандчилик ва қўл меҳнати”, “Туризм ва экология”, “Техника, конструкторлик ва моделлаштириш”, “Хорижий тиллар”, “Жисмоний тарбия ва спорт”, “Маданият ва санъат”, “Олий таълим ва мактабга тайёрлов” йўналишларда жами 69 та тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда жами 2120 нафар ўқувчи-ёшлар таҳсил олмоқда.